

## БУХОРО-ХИВА НЕФТГАЗЛИ ОБЛАСТИНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ТАВСИФИ

Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич

Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: [hikmat.panjiyev02@mail.ru](mailto:hikmat.panjiyev02@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро-Хива нефтгазли хаевасинидаги ер ости сувларининг минералогик гидрогеокимёвий хусусиятлари килтирилган. Ер ости сувлари хлор калийли ва сульфиидли микрокомпонентларга туйинган.

**Калим сўзлар:** Бухоро-Хива, амударё, альб-сенон, юра, неоком-апт, альб-сенон, турон ва неоген-антропоген сув.

### ABSTRACT

The article deals with mineralogical hydrogeochemical properties of underground waters in the Bukhara-Khiva oil and gas basin. Groundwater is saturated with chlorine, calcium and sulphide microcomponents.

**Key words:** Bukhara-Khiva, Amudarya, Albian-Senonian, Jurassic, Neocomian-Aptian, Albian-Senonian, Turonian and Neogene-Anthropogenic water..

Бухоро-Хива нефтгазли обласгининг мезокайнозой чўкинди қопламасининг қирқимида бешта регионал сув-босим комплекси ажратилади: юра, неоком-апт, альб-сенон, турон усти ва неоген-антропоген сув-босим комплексларга бўлинган ва кимеридж-титоннинг туз-ангидрит жинслари, неоком ости қисмида ётувчи глина пачкаси, қуий-ўрта альб глиниали қавати, қуий турон глина пачкаси ва эоцен-олигоцен глина қавати жинсларидан ташкил топган.

Ажратилган сув-босим комплекслар таркибига қуий юра XIX, XVIII ва XVII горизонтлар терриген формацияси қумтош ва алевролитлари сув сақловчи ҳисобланади. Ўрта ва юқори юра карбонат формацияси ўтказувчан ҳисобланади. Альб-сенон XI, X, IX горизонтлар, неоком-апт XIV, XIII, XII горизонтлари, турон усти VIII горизонт ва палеоген бухоро оҳактошлари, неоген-антропоген қумтош ва алевролитлари сув ўтказувчан жинслар ҳисобланади.

Амударё артезан ҳавзаси таъминлаш обласи бўлиб, Ҳисор ва Зарафшон тизмаларида жойлашган. Кўп сонли тадқиқотчилар фикрича регионал разгрузка обласи Учқир-Питняк қўтарилимаси районида жойлашган.

Ўрганилаётган район гидрогеологик нуқтаи назаридан Амударё гидрогеологик ҳавзасининг шарқий ёнбағири ҳисобланган Бухоро-Хива артезан ҳавзасининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган.

#### Юра сувли комплекси

Ўрта юра терриген қаватида қумтош ва алевролитлар сув ўтказувчан жинслар ҳисобланади.

Терриген юра сувлари хлор кальций росла ҳисобланиб, хлорид гурухи, S<sub>1</sub>, S<sub>2</sub>, S<sub>2</sub> синифига натрийкичик гурухи сувларига мансуб. Қатлам сувининг солишиштирма оғирлиги 1,020 дан 1,141 г/см кубгача ўзгаради.

Дояхотин № 3 қудугидаги сув таркиби (мг-экв/л)

#### 1.жадвал

Na+K	194,3-2082,7	Cl	104930-107080
Ca	800-900	SO <sub>4</sub>	8-584
Mg	200-230	HCO <sub>3</sub>	73-?

Микрокомпонентлардан (мг/л): бром-532,8; йод-14,3; аммонит-200; углекислота-мавжуд эмас; бром окиси-мавжуд эмас аниқланган. сувнинг умумий минераллашуви 168,59-177,494

Қулбешкак майдонида терриген юра сувлари №№1,2,5,6,7,9,11, қудуқларни тадқиқот қилиш асосида ўрганилган (мг-экв/л).

#### 2.жадвал

Na+K	1435-2232,5	Cl	31,2-3544
Ca	200-1000	SO <sub>4</sub>	0,3-137,8
Mg	20-460	HCO <sub>3</sub>	0,006-134

Микрокомпонентлардан (мг/л): бром-4,4-552,8; йод-3,2-19; аммонит-200; углекислота-мавжуд эмас; бром окиси-43,58-202. сувнинг умумий минераллашуви 25,700дан 166,458 г/л гача ўзгаради.

№1 Саватли майдонида терриген юра сувлари қўрсатгичлари қўйидагича (мг-экв/л).

#### 3.жадвал

Na+K	1547,02-1510,3	Cl	2045,8-2412,5
Ca	320-725,0	SO <sub>4</sub>	42,86-30,6
Mg	224-210	HCO <sub>3</sub>	2,36-2,2

Микрокомпонентлардан (мг/л): бром-410-459,8; йод-29,7-24,2; аммонит-200; углекислота-мавжуд эмас; бром окиси-70,92-36,5. сувнинг умумий минераллашуви 119,46 дан 139,0 г/л гача ўзгаради.

Юра карбонат ётқизиқларидағи сувлар.

Карбонат формацияси сувлари Дояхотин конида №1,2,4,5,6 қудуқларда ва Қулбешкак конида ўрганилган.

XVI, XV-3, XV-2, XV-1 горизонтлардан олинган намуналар бўйича қўйидагича тавсифланади: Пальмер бўйича қаттиқ, Сулин бўйича хлоркальций тур, хлорид гуруҳига мансуб. Уларнинг зичлиги 1,006-1,270 г/см. куб.гача ўзгаради.

Умумий минералланганлиги 20,137 дан 87,977 г/л гача ўзгаради. Қатлам босими 1852-1994 (Дояхотин) ва 1820-1864 (Қулбешкак) ва 2067-2060 (Саватли) метр оралиқларда 191 дан 225 ата.

**Чоржоу поғанаси.** Матонат майдони гидрогеологик жиҳатдан мураккаб тузилган Амударё артезиан ҳавзасининг жанубий-шарқий қисимида жойлашган.

Бухоро-Хива нефтгазлий области тўрта сув – босимли комплексга бўлинади:

Юра, неоком – апт, альб – сеноман, турон усти.

Улар бир – биридан регионал изчил сув – босимлари билан ажралиб туради: юқори юра – неоком, қўйи-ўрта альб, қўйи турон ва ёпиб турувчи палеоген сув-босимлари.

Ўрганиладиган ҳудудда палеозой сувлари ўрганилмаган.

Чуқур қўйилган сув ҳавзаларига гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилмаганлигини ҳисобга олиб ва ўрганиладиган Матонат майдонинг газлилиги юра терреген ва карбонат ётқизиқлари билан боғлиқларини ҳисобга олиб, асосан юра сувлий комплексини гидрогеологик шароити ёритиб берилган. Бу қўмтош, алевролит сувли горизонтларни ўз ичига олиб, юра терреген ётқизиқлари (XVIII, XVII горизонтлар) ва юқори юра карбонат қатлари сувли горизонтлари (XVI, XV-ро, XV-р, XV-ру горизонтлар)

Матонат майдонида №1 параметрик қудуқда 11та обьект синалган бўлиб, биттаси палеозой, олтитаси терреген, иккита риф, ва иккита юра ётқизиқлари риф усти оралиқлари.

Палеозой ётқизиқларидан оқим олинмаган. Юра терреген ётқизиқлари учта оралиқдан қатлам суви олинган.

XV-р горизонтида 2та оралиқ синалган бўлиб, қатлам суви олинган. XV-ру горизонти иккита синалган оралиқдан биттасидан қатлам суви олинган, бошқасидан кам нефт оқими қатлам суви билан олинган

Матонат майдонида олинган намунанинг таҳлили бўйича ўрта юра терреген комплекс сувларининг минерализацияси хлорид – кальций турга мансуб.

$r\text{Na}$  ва  $r\text{Cl}$  коэффициентларининг қиймати бу сувларни юқори метаморфизасидан далолат беради. (0,56-0,75; 2,58-15,97 муносиб). Сувнинг сульфатланиши паст  $r\text{SO}_4 = 0,08$  гСГ бир хил ион-туз таркибий. Бу сувларнинг ион-туз таркиби натрий ва калий ионларидан иборат (10,8-52,4г/л), калий миқдори (46,4-30,1г/м) магнийга (0,4-4,3г/л) нисбатан сезиларли даражада юқори. Сульфат ва гидрокарбонатлар миқдори 0,01-3,14г/л ва 0,03-0,6г/л, хлор 55-620г/л.

Йод, бром, окись бора ва сероводород микрокомпонентлар аниқланмаган, аммоний 0,004-0,012 г/л, ташкил қиласи, ис газ 0,009-0,65г/л, азот окиси 0,001-0,005 г/л, темер 0,002-0,005 г/л, кремнезем окиси 0,004-0,014г/л, нефтли кислоталар аниқланмаган.

## ХУЛОСА

Матонат майдонида тереген юра сувларининг газга тўйинганлиги ўрганилмаган. Дивалкак конида XVIII горизонт газлий ва XV-ру горизонти нефтгазлий.

(В.А.Кудрякова, Т.Н.Авазова ва б, 1985й) маълумотлари бўйича «Сувнинг газга тўйинганлиги ошиб бориши» кесим бўйича юқорида 0,6-0,8 дан 1,16-1,39м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> гача ўзгаради.

Юра ётқизиги сувлари С бит билан бойиган (7,49мг/л, гача) Φ (0,95мг/л), НК (1,3мг/л), Б (0,1мг/л дан кам) таркиби паст.

Матонат майдонида №1, №2, №3 қудуқларда юра ётқизиқларини синаш давомида газпайдо бўлиши содир бўлган, XV-ру горизонтида №1 қудуқдан газ нефт билан кучсиз оқими олинган.

XV-ру горизонти қатlam сувларининг газга тўйинганлиги №2 қудуқда 1-1,85м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> ни ташкил қиласи. Қуий-ўрта юра ётқизиқларидан қуидагида ошиб боради 0,92м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> 1 қудуқ №3 дан 1,28-2,6м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup>, қудуқ №2 гача.

№2 қудуқ юра ётқизиқларидан олинган сув намунаси таркибига фенол 5,08мг/л етади, нафтин кислота 1,5мг/л, бензол 0,57мг/л. №3 қудуқдан қуий – ўрта юра ётқизиқларидан олинган сув намунаси бўйича фенол миқдори бир қанча кам (3,9мг/л) ва бензол бир қанча қўп (2,25мг/л).

## ***ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР***

1. *A.A. Абидов, Й. Эргашев, М. Қодиров: “Нефт ва газ геологияси русча – узбекча изоҳли лугати”. Тошкент – 2000й.*
2. *АК “Ўзгеобурнефтгаз” фонд материаллари.*
3. *Эргашев Й., Абдуллаев С., Қодиров М.Ҳ., Холисматов И.Ҳ.: Нефть ва газ конлари геологияси. “Шарқ” нашириёт-Матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент-2008й.*
4. *Бухоро-Хива регионида нефт ва газ қудуқларида ўтказилган тадқиқот ишлари натижалари.*
5. *Строение юрско-меловых отложений центральной части бухаро-хивинского нефтегазоносного бассейна. ХР Ахмедов, ХА Панжиеев, АП Эшимуродов - StudNet, 2021*